
РЕСПУБЛИКАМИЗДАН ЭКСПОРТ ҚИЛИНАЁТГАН ШАФТОЛИНИНГ 57 ФОИЗИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲИССАСИГА ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА

Давлат статистика қўмитаси маълумотига кўра, Ўзбекистон 2022 йилнинг январь-август ойларида хорижга экспорт қилган 74,3 минг тонна шафтолининг 42,2 минг тоннаси ёки қарийб 57 фоизи Фарғона вилояти ҳиссасига тўғри келди. Республикада умумий шафтоли экспортининг қиймати 66,2 миллион долларга тенг бўлди.

Шафтоли экспорти ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 20 минг тоннага ошган.

2022 йилнинг 8 ойида Ўзбекистон энг кўп шафтоли экспорт қилган давлат Россия Федерацияси бўлди – 62,9 минг тонна.

Сўнгги икки йилда Фарғона вилоятида 1200 гектардан зиёд янги шафтоли боғлари ташкил этилиб, умумий шафтолизорлар майдони 6717 гектардан 7920 гектарга етди.

Жорий йилда вилоятдаги мавжуд майдонларда жами 70 минг тоннага яқин шафтоли йиғиб олиш режалаштирилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-22 11:48:39